

«Беназир олим вафот этар экан»



08:00 / 30.05.2020 1449

Ҳофиз Силафий 576 санада жума куни вафот этди. Бир кун аввал, пайшанба куни қуёш ботгунига қадар тинмай ҳадис ўқиди. Жума куни эрталаб бомдод намозини ўқиб, кейин бирдан вафот этди.

Ҳусайн Боварийдан ривоят қилинади: «Исфаҳондаги Хон шаҳрида эдим. Бир киши менга туш кўрганини айтиб, «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафот этганларини кўрдим», деди. Мен унга: «Шундай туш кўрганинг рост бўлса, ўз замонининг беназир олими вафот этар экан. Чунки имом Шофеъий, имом Саврий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳимлар вафот этган кунда ҳам шундай туш кўришган», дедим. Ўша кун кеч кирмасидан Ҳофиз Абу Мусо Мадиний вафот этгани ҳақида хабар келди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан